

**Камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, иш ўринлари яратишни рағбатлантириш, тадбиркорлик, сервис ва хизмат кўрсатиш, касаначиликни ривожлантириш тўғрисида**

Республикада **ишизлик** ва **камбағалликни қисқартириш** бўйича ишларни **янги босқичга** олиб чиқиш чоралари кўрилмоқда.

I. Республикада **36 млн 309 мингдан** ортиқ **аҳоли** бўлиб, шундан меҳнат ресурслари **19,7 млн** нафарни ташкил этади, иқтисодий фаол аҳоли яъни **меҳнат қилишга** тайёр аҳоли **15,1 млн** нафарни ташкил этади.

Улардан **13,8 млн** нафари (91 %) иқтисодиёт тармоқларида **иш билан банд**. Йил бошида ишизлар сони **1 млн 334 минг** нафарни ташкил этиб, ишизлик даражаси **8,9 %** бўлган эди.

Амалга оширилган ишлар натижасида, ўтган 9 ойда ишизлар сони **941,7 минг** нафарга камайтирилди. Ишизлик даражаси **8,9 фоиздан 4,6 фоизга** туширилди (**Қолган ишизлар 697,7 минг нафар**).

Республикада ишизлик даражасини туширишда, яратиб берилган **янги механизмлар** ва **иқтисодий инструментлар** мухим омил бўлмоқда.

Шунингдек, републикадаги **9 442 та** маҳалладаги “**бешлик**” тизимининг комплекс ёндошуви катта самара бермоқда.

**Ҳоким ёрдамчиси, хотин қизлар фаоли** маҳалладаги ишизларни хоҳиш истаклари ҳамда меҳнат бозоридаги талабдан келиб чиқиб, касб-хунар ва тадбиркорликка ўқишга жалб этилмоқда.

2022 йилда **144,3 минг** нафар ишизлар ўқитилди, жорий йилга **158,2 минг** режалаштирилган бўлиб, ўтган 9 ойда **110,7 минг** ишизлар **касб-хунар** ва **тадбиркорлик** кўнилмаларига ўқитилди, ўтган йилга нисбатан 99 %ни ташкил қилди. (2022 йил 9 ойда 111,6 минг).

Йил якунига яна **49,3 минг** ўқитилади, **160 минг** нафарга етказилади;

**Мазкур марказларни битирган 65 840 нафар** ишизларни **55 467 нафари** (**84 фоиз**) бандлиги таъминланди, йил якунига **95 %** бўлади.

**Вазирлик тасарруфидаги 57 та** касб-хунарга ўқитиши марказлари, **601 та** маҳалла масканлари, **57 та** “Ишга марҳамат” мономарказлари битириувчиларига ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли бирютирилиб, уларнинг бандлиги назоратга олинган.

Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан аҳоли тадбиркорлик ташаббуслари учун **363,5 минга** лойиҳага **7 553 млрд.сўм кредитлар** ажратилди (2022 йил 9 ойга нисбатан **119 %** ўсди, 305,7 минг лойиҳага 7168,7 млрд), йил якунига қадар яна **170 минг** аҳолига **5 449 млрд.сўм** ажратилади;

аҳолини, айниқса, **45,6 минга** камбағал оиласарнинг **тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик** фаолиятини рағбатлантиришга **202,6 млрд сўм субсидиялар** ажратилди.

Ўтган йилга нисбатан **1,4 бараварга** оширилди (2022 йил 9 ойда 143,6 млрд), йил якунига қадар яна **247 млрд сўм** ажратилади. Бунда оғир тоифадаги **2 146 та** маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Мисол учун: **32 713 нафар** фуқароларга **153,8 млрд.сўм** субсидияга пайвандлаш аппарати, нон ва хот-дог пишириш печи, инкубатор, сартарошлик жихозлари, компьютер жамламаси, тикувчилик машинкаси, дурадгорлик меҳнат қуроллари харид қилиб берилди.

Бунинг натижасида, фуқаронинг бандлиги таъминланмоқда, уларнинг даромадлари ва ҳарид қобилияти ошмоқда.

**дехқончилик** қилиш учун **89,1 минг** гектар **экин ер майдонлари** ижара асосида ажратилди (2022 йил 9 ойда 359,8 минг кишига 77,3 минг гектар, 115 %), натижада **237,9 минг** аҳоли даромад манбаига эга бўлди, жорий йил якунига қада яна **7,6 гектар** ажратилади.

**II.** Бугунги кунда, қолган **697 минг** ишсизларнинг манзилли рўйхатлари касби, мутахассислиги, ёши бўйича шакллантириб олинди.

Бундан ташқари, жорий ўқув йилини **686,3 минг** битирувчилар тамомлади.

Улардан **269,8 минг** (39%) нафарини (2022 йилда 33%) **таълимнинг кейинги босқичига** қамраб олинди, қолган **416,6 минг** нафари меҳнат бозорига кириб келди.

**387,7 минг** (61,5%) нафари умумий ўрта мактаблари, **173,1 минг** (27%) нафари **касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлари**, **125,5 минг** (11,5%) нафари **олий таълим муассасалари** битирувчилари ҳисобланади.

**Ҳисоб китоб қилдик**, йил якунига қадар яна **1 млн 114 минг** (ишизлик даражаси **7,4 %** ташкил этмоқда) бандлигини таъминлаш вазифаси турибди.

Юқорида айтиб ўтилган бандлик инструментлари орқали **йил якунига қадар яна 203,3 минг** ишизларни доимий бандлиги таъминланади, **ишизлик даражасини 6 %гача (911 минг)** камайтирилади.

Қолган ишизларни ижтимоий ҳимояга олинади, вақтинчалик жамоат ишларига ҳамда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишга жалб этилади.

**III.Шунингдек**, йил бошида **1 307,8 мингта** камбағал оиласар бўлиб, камбағаллик даражаси **14,1 фоиз** (2022 йилда 17 фоиз) ташкил этган бўлса, **ҳозирга келиб, 13 фоизни** ташкил этмоқда.

Йил якунига қадар **127,5 мингта** оиласар камбағалдан чиқарилиб, камбағаллик даражасини **12 фоизга (1 180 минг оила)** тушириш чораларини кўрганмиз.

*Ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб, 208 та тумандан 26 таси 1-тоифага, 46 таси 2-тоифага, 76 таси 3-тоифага, 40 таси 4-тоифага, 20 таси 5-тоифага (9,6%) ажратилган.*

5-тоифа: Бўзатов, Кегейли, Қонликўл, Мўйноқ, Тахтакўпир, Шуманай, Бўстон, Улуғнор, Арнасой, Дехқонобод, Томди, Мингбулоқ, Қўшрабод, Сардоба, Бандихон, Қизириқ, Олтинсой, Сўх, Ёзёвон ва Янгиариқ туманлари.

Камбағаллик **энг паст** Тошкент шаҳрида **6,3 фоизни (66,8 минг)**, Навоийда **7,3 фоизни (23,9 минг)** ташкил этган бўлса, **энг юқори кўрсаткич** Қорақалпоғистон Республикасида **17,5 фоиз (83 минг)**, Сирдарёда **16,7 фоиз (39,8 минг)**, Хоразмда **16,6 фоиз (93,3 минг)** тўғри келади.

**Бунинг учун, катта раҳмат, янги “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурини амалга ошириш тизими яратиб берилган.**

Бу, ишизлик ва камбағалликни қисқартиришда муҳим **дастуруламал бўлди**.

Айниқса, тақдим этилаётган имтиёз ва преференциялар тадбиркорлар томонидан **ижобий ва кўтаринки кайфиятда қабул қилинди**.

Сабаби, берилаётган **солиқ имтиёзлари** (мол-мулк ва ер солиғи тўлашдан озод этилгани, ишчиларидан олинадиган даромад солиғи қайтариб берилиши,

ижтимоий солиқ икки баробар камайтирилиши, ҚҚС бир кунда қайтариб берилиши ҳамда солиқларни бир йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти) дастурда қатнашаётган тадбиркорлар фойдасига **1 трлн сўм тежалиб қолишига замин яратди.**

Бугунги кунда, Дастурда иштирок этиш истагини билдирган **5 233 та** салоҳиятли тадбиркорлар билан **ҳамкорлик шартномалар** тузилди. Бу орқали **315 минг** аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти яратилди.

Яна, қўлимизга **2000 дан** ортиқ тадбиркорларнинг аризалари келиб тушди, йил якунига қадар иш ўринларини **500 мингга** етказилади.

### **Меҳнат миграцияси**

Жорий йил 1 октябрь ҳолатига **2 118,4 минг (521,8 минг аёллар, 702,9 минг ёшлар)** фуқаролар ишлаш учун хорижга чиқиб кетган.

Давлатлар бўйича: **Россия** Федерациясида **1 335,7 минг**, Қозоғистон Республикасида **223 минг**, **Туркияда** **113,1 минг**, **Жанубий Корея** Республикасида **66,7 минг**, **БААда** **16,5 минг**, бошқа давлатларда **363,4 минг** фуқаролар меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда.

### **Меҳнат мигрантларининг хориждаги иш фаолияти:**

**Россия Федерациясида** – қурилиш, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш, коммунал ва машиий хизматлар, **Қозоғистонда** – қурилиш, қишлоқ хўжалиги, **Жанубий Кореяда** – оғир ва енгил саноат, **Туркия ва БААда** – савдо, умумий овқатланиш, ижтимоий таъминот (кекса, ногирон ва ёш болаларга қарашиб), **АҚШ ва Европада** – саноат, қурилиш, савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва логистика, ижтимоий таъминот соҳалари.

Хориждаги меҳнат мигрантларининг ўртacha **52,7 фоизи** қурилиш, **12,8 фоизи** саноат, **9,7 фоизи** хизмат кўрсатиш, **6,9 фоизи** умумий овқатланиш, **6,7 фоизи** савдо, **4,3 фоизи** транспорт, **4,1 фоизи** қишлоқ хўжалиги ва **2,8 фоизи** бошқа соҳаларда фаолият юритади.

1) **19 та** хорижий давлатларнинг **304 та** йирик иш берувчи ташкилотлари ва рекрутинг агентликлари билан музокаралар олиб борилди.

2) Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва хусусий бандлик агентликлари томонидан (*йиллик режа* **35 минг**) **31 577 нафар (90,2 %)** фуқаролар **хорижий давлатларга ишга жойлаштирилди**.

3) Хорижда ишлаш истагида бўлган **50 минг** нафар фуқароларни **касб-ҳунарга** ва **хорижий тилларга** ўқитиш режалаштирилган бўлиб, амалда **44 628 нафар (89,3 %)** фуқаролар ўқув курсларига жалб этилди.

4) Вақтингчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида хорижга ишлаш учун кетаётган **134,8 минг** фуқароларга жумладан, **1 814 нафарига** имтиёзли **микрокредитлар** ажратилди, **133 минг** нафарининг ҳаёти ва соғлиги **суғурталанди**.

5) Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириб қайтган **165 минг** фуқароларни бандлигини таъминлаш орқали **реинтеграция қилиш** режалаштирилган.

Жорий йил 1 октябр ҳолатига **743,7 минг** нафар мигрантлар хориждан қайтган бўлиб, уларнинг **661,4 минг** нафари **уйма-уй юриш тизими** орқали ўрганилди.

Ўрганиш натижасида **532,1 минг (71,5%)** нафарини бандлиги аниқланди. Шунингдек, бандлик органлари орқали **136,7 минг** нафар миграциядан қайтган фуқароларнинг **бандлиги таъминланди**.

### **Меҳнат инспекция**

Давлат меҳнат назорати инспекцияси томонидан **12 120 та** текшириш ва ўрганишлар ўтказилиб, **32 225 та** қонун бузилишлари аниқланди. Аниқланган қонун бузилишлари юзасидан **6 155 та** ҳолатда **14,7 млрд сўм жарималар** қўлланилди ҳамда **4 342 та** ёзма қўрсатмалар берилди.

Қонун бузилишлари энг кўп **таълим ва мактабгача таълим мұассасалари** (*16 107 та*), **соғлиқни сақлаш** (*2 643 та*), қурилиш (*1 422 та*), қишлоқ хўжалиги (*1 510 та*), саноат (*676 та*) ва **бошқа соҳаларда** (*9 040 та*) фаолият олиб борувчи корхоналарга тўғри келади.

Меҳнат муҳофазаси ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан **16 853 нафар** фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди, шундан **10 152 та**

мурожаатлар қаноатлантирилган ва **6 285 нафар** фуқароларни бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

**857 нафар** фуқароларнинг жами **9,5 млрд** сўмдан ортиқ иш ҳақлари ундириб берилди.

Фуқаролар ва иш берувчилар ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўлланилиши юзасидан жами **6 461 та** тарғибот тадбирлари ўтказилди.

**Мажбурий меҳнатга** жалб қилиш бўйича **24 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўрганиш натижаларига кўра **20 нафар** мансабдор шахсларга **397,7 млн сўм жарималар** қўлланилди.

### Маҳалла институти

Республикадаги мавжуд **9 442 та** маҳалланинг ижтимоий-иктисодий ҳолатига кўра **2 228 таси** (23,6%) яхши, **5 068 таси** (53,7%) ўрта, **2 146 таси** (22,7%) оғир тоифага ажратилди.

**154 мингдан** ортиқ тарбияси оғир ёшларни соғлом турмуш тарзига қайтариш чоралари кўрилди;

фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи **3 минг нафар** ота-оналар соғломлаштирилди;

**70 та** маҳаллада “Обод хонадон”, “Обод қўча” ва “Обод маҳалла” мезонлари жорий этилди;

**100 мингта** яқин оиласарнинг уй-жой шароитлари яхшиланди, **130 мингдан** зиёд оиласарда ажралишлар олди олинди, **36 мингдан** ортиқ оиласарнинг нотинчлигига барҳам берилди;

**3 мингта** маҳаллада жиноят содир этилмади, **3,5 мингта** маҳаллада жиноятлар кескин камайди;

**1,2 мингдан** ортиқ маҳалла бинолари янгидан қурилди, **428 таси** таъмирланди, **1,5 та** маҳаллага компьютер техникаси, **1,7 тасига** мебель жиҳозлари олиб берилди;

**1 029 та (10,9%)** маҳалла ўз биносига эга эмас, **642 таси** таъмирталаб, **497 таси** капитал таъмирга мухтож, **360 таси** реконструкция қилишга мухтож, **2552 та** маҳалла биносининг кадастр ҳужжати расмийлаштирилмаган.

### **Хотин қизлар мұамоларини ҳал этиш бүйича**

**7,7 млн** нафар (30 ёшдан ошган) хотин-қизлар хатловдан үтказилиб, **1 млн 680 нафари** “Аёллар дафтари”га киритилди.

Йил бошидан бери, **929,8 мінг** хотин-қизларга амалий ёрдамлар күрсатилди. Жумладан:

**414,8 мінг** нафарига тиббий, моддий ёрдамлар ва бандлык хизматлари күрсатилди;

**44,9 мінг** нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйилди;

**198,5 мінг** нафар боқувчиси бўлмаган аёлларга бир марталик моддий ёрдам, шундан, **3,2 мінг нафарини** (82,9%) уй-жойи таъмирлаб берилди;

**181,8 мінг** ижтимоий ёрдамга мухтож 1- ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган шунингдек, тезкор тиббий муолажага мухтож эҳтиёжманд хотин-қизларга моддий ва тиббий ёрдам күрсатилди;

**7,9 мінг** уй-жойга мухтож хотин-қизларнинг **1047 нафари** уй-жой билан таъминланди, **6828 нафарини** ижара пуллари тўлаб берилди;

**81,8 мінг** қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд аёллардан моддий қўллаб-қувватлаш ишлари ташкил этилди.

Тазийик ва зўравонликка учраган **30 067 нафар** хотин-қизларга **ҳимоя ордери** тақдим этилиб, ўтган йил шу даврига нисбатан **22%га** камайган.

Хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар **9 190 тани** ташкил этиб, ўтган йилга (2022 йилда **9 278 та**) нисбатан **0,9 фоизга** камайди.

Оилавий ажралишлар **37 654 тани** ташкил этиб, ўтган йилга (2022 йилда **36 463 та**) нисбатан **1191 тага** ошган.

### **Молия маблағлар**

Камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд аҳолига молиявий кўмак кўрсатиш мақсадида вазирлик тизимидағи жамғармалар томонидан жами **798 млрд.сўм** маблағ ажратилди.

Жумладан, **Бандликка кўмаклашиш** давлат жамғармасидан **332,7 млрд сўм**, **Хотин-қизларни** қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан **77,3 млрд сўм**, **Жамоат ишлари** жамғармасидан **128,6 млрд сўм**, **Аҳолини тадбиркорликка** жалб қилиш жамғармасидан **181,9 млрд сўм**, **Хорижда меҳнат** фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасидан **77,5 млрд сўм** маблағ сарфланди.

### **Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари**

Жисмоний ва юридик шахслардан тизимга жами **299 438 та** мурожаатлар келиб тушди.

Мурожаатларнинг **139 548 таси** (46,6%) қаноатлантирилди, **131 668 таси** (44%) тушунтириш берилди, **2995 таси** (1%) рад этилди, **877 таси** (0,3%) кўрмасдан қолдирилди, **514 таси** (0,2%) тугатилди, **2699 таси** (0,9%) бошқа ташкилотга юборилди, **21 137 таси** (7,1%) ўрганиш жараёнида.

Шундан, Президент Виртуал қабулхонаси орқали **142 936 та** мурожаатлар келиб тушди.

Мурожаатларнинг **72 325 таси** (50,6%) қаноатлантирилди, **47 699 таси** (33,4%) тушинтириш берилди, **2668 таси** (1,9%) рад этилди, **596 таси** (0,4%) кўрмасдан қолдирилди, **514 таси** (0,4%) тугатилди, **2044 таси** (1,4%) бошқа ташкилотга юборилди, **17 090 таси** (12%) ўрганиш жараёнида.

Бундан ташқари, Вазирликка тўғридан тўғри келиб тушган мурожаатлар **13 876 та** (2022 йилди 14 415 та), шундан, **2 435 таси** оғзаки, **1 059 таси** ёзма, **10 382 таси** электрон мурожаат.

**3 752 таси** (27 %) ҳал этилди, **9 509 таси** (68,5 %) тушунтирилди, **25 таси** (0,2 %) рад этилди, **590 таси** (4,3 %) кўриб чиқилмоқда (**53** таси такрорий).